



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 21 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 194 (13.007)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш кунини деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуруний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 сентябрь

ШҲТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, Тошкент шаҳрида 2015 йил 18 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг йигирма еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қозғоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШҲТ МАТТ Кенгашининг аввал қабул қилинган қарорларини бажариш бўйича ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг фаолияти таъкидланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари экспертлар гуруҳининг 2016 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмасининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари бирлигида ўтказган "Марказий Осиё-Аксилтерро – 2015" аксилтерро машғулоти яқунларига юқори баҳо берилди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустақамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари ШҲТ МАТТ Кенгашининг ёрлиғи билан тақдирланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан таъминлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан ҳам қатор қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгашига раислик Ўзбекистон Республикасидан Қозғоғистон Республикасига ўтди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш муддати ва жойи келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ МАЖЛИСИ

Олий суд раиси Ш.Ғозиев бошқарган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустақамлашга қаратилган изчил ислохотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Натижада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш самарадорлиғи ортди, жамиятда адолат барқарорлиғи таъминланмоқда.

Мажлисида муҳокама этилган "Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида" ва "Шахсни гайририхтиёр тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллиғига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Олий суд пленуми қарори лойиҳалари ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Чунки қарорлар шу йўналишдаги қонунларни бир хилда ва тўғри қўллаш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган.

Жиноят қонунчилиги либераллаштирилгани, ярашув институтини жорий этилгани, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида амнистия аклари мунтазам равишда қўлланил келинаётгани натижада мамлакатимизда судланганлик ҳолати камайишига эришилмоқда. 2014 йилда судланганлар сонини 2001 йилга қараганда 23 фоизга камайдигани бунини яққол тасдиқлайди.

Маълумки, судланганлик ҳолати – суд ҳукми қонуний кучга кирган қонунда бошланиб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади. Судланганлик ҳолатининг тугалланмаганлиги ва олиб ташланмаганлиги айрим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Хусусан, шахс судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган ҳолатда жиноят содир этса, бу жавобгарликни кучайтирувчи қонун нормаси билан квалификация қилинади.

"Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳасида қайд этилганидек, судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланади. Натижада судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлади. Бундан ташқари, лойиҳада суд ва дастлабки тергов амалиётида судланганлик ҳолатининг тугалланиши муддатларини ҳисоблаш, унинг тўхтатилиши, судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тартиби ва механизмига тааллуқли бир қатор мунозарали саволларга батафсил тушунтиришлар берилган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимизнинг доимий эътиборидаги масалалардан. Бу борада "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

"Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонунда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар жараёнида фарзандларимизнинг китобга меҳрини ошириш, уларни миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юксак маънавият — енгилмас куч

КИТОБ — МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Кунини кеча пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 17 сентябрь кунини ташкил этилган "Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги" шиори остидаги "Болалар китоби" II республика фестивалида бу ўзининг яққол ифодасини топди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон уюшмаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур фестивалда ноширлар, матбаачилар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ўқувчилар, ота-оналар тақдирланди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид, Ўзбекистон халқ шоири А.Обиджон ва бошқалар фарзандларимизни ҳеч қимдан кам бўлмаган, мустақам ирода ва қатъият, пухта билим, юксак маънавият соҳиблари этиб камолга етказиш масаласи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларда устувор аҳамият касб этишини таъкидлади.

Мамлакатимизда тахририятлар, нашриётлар, медиа тузилмаларнинг моддий-техник базасини янада мустақамлаш, уларнинг самарали фаолият қўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, болаларга мўлжалланган китоб ва босма маҳсулотлар етказиб берувчи тахририятлар, босма-хоналар, нашриётлар учун қўшимча имтиёзлар яратилгани, улар бир қатор тўлов ва солиқлардан озод этилгани ранг-баранг китоб ва босма материалларни тайёрлашда асосий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларни ва-танпарварлик, юртга садоқат, фидойилик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришга оид бир қатор ижтимоий акциялар, фестивал ва танловлар, китоб байрамлари, адабиёт ҳафталиклари, маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда.

"Болалар китоби" II республика фестивали ана шундай лойиҳалардан. Унда қўзланган мақсад адабиёт, маънавият ва маърифат, ноширлик соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларимизнинг маъно-мазмунини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш, болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтиришдан иборатдир.

(Давоми 3-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда ўтказилган "Болалар китоби" фестивали "Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги" деб номланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ноширлар, ўқитувчилар, ота-оналар, талабалар, ўқувчилар иштирок этган тадбир доирасида ташкил этилган китоблар кўргазмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

● Бухорода "2015-2019 йилларда иқтисодийётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзусида конференция-семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида шаҳар ва туманлардаги Аёллар маслаҳат марказлари ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-семинар ўтказилди. Тадбир якунида Аёллар маслаҳат марказларига бириктирилган барча ҳуқуқшунос, психолог ва маҳалалар фаолларига ўз фаолиятлари давомида хотин-қизларнинг кундалик ҳаётида учраётган муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

● Газли шаҳрида замонавий теннис корти фойдаланишга топширилди. Бу ерда ёшлар тажрибали мутахассислар мураббийлигида маҳоратини оширади. Газли магистраль газ қувурлари бошқармаси томонидан барпо этилган замонавий корт жаҳон талабларига тўла жавоб беради.

ЖАҲОНДА

● АКШнинг Кливленд шаҳрида номаълум киши йўлчида тўхтаб турган автомобилга ўқ узиши натижасида ҳайдовчи ҳаётдан кўз юмди, 10 ёшли йўловчи оғир жароҳат олди. Маълумотларга қараганда қотил машинага пиёда ҳолда яқинлашиб, жиноят жойидан бошқа машинада жуфтани ростлаган. Ҳозирда қидирув ишлари кетмоқда.

● Янги Зеландиянинг Хэмилтон шаҳридаги ҳайвонот боғида йўлбарснинг ногаҳон бог ходимасига ҳужум қилиши натижасида, ҳодима олинган жароҳатларнинг оғирлиги туфайли ҳаётдан кўз юмди. Зудлик билан ҳайвонот боғидаги барча одамлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Хавфсизлик хизмати ходимларининг маълумотига қараганда, ушбу бахтсиз ҳодисанинг тафсилотлари ҳозирча аниқланмаган. Аёл кишига ҳужум қилган ушбу йиртқич энг тажовузкор Суматра йўлбарслари тоифасига киради.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Архивлар тарих кўзгуси, ўтмишдан сўзловчи энг асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори архив муассасаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Архивлар фаолиятдан

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Бунга мисол Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2010 йил 7 майда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Архив иши тўғрисида"ги Қонуни, Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 29 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2014 йил 13 ноябрда маъқулланган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳажатлари тўғрисида"ги Қонуниларнинг ҳаётга татбиқ этилиши биз архив соҳаси ходимларининг ўз ишимизга бўлган масъулиятимизни янада кучайтирди. Бу қонунларнинг ижросига ва архив ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш, маълумотларини тўғри асосланган ҳолда тақдим бериш, иш жараёнида муамло маданиятини янада яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси тизимидаги архив муассасаларида жорий йил давомида архив ҳужжатлари асосида 600 мавзунинг сўровлар бажарилди. Аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги 7000 дан ортиқ сўровлари ижро этилди.

Кейинги йилларда аҳолининг архив идораларига муҳожатлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб бизнинг тизимдаги архивларда ҳам фуқароларни қабул қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги сўровлар ижросини сифатли ташкил этиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Фуқаролар муҳожатларининг белгиланган муддатда, сифатли ижросини таъминлаш мақсадида компьютер ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан умумий фойдаланилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бевосита архивларга муҳожат қилишлари учун Ягона интерактив хизматлари портали (my.gov.uz)да Бошқарманинг шахсий кабинети (Тошкент шаҳар Архив иши бошқармаси) ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунгача мазкур кабинетта 800 дан ортиқ сўровлар келиб тушди. Ушбу сўровларнинг (мавзули сўровлар, нафақа, ўқиганлиги) аниқ таҳлили ва уларнинг ҳаракатдаги услубий кўрсатмалар асосида бажарилиши сифа-

тининг қоникарли бўлиши учун фуқаролар муҳожатлари билан ишловчи ходимларимиз ўзига юкланган масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда муҳожатлар ижросини таъминлайди.

Архивга келиб тушган сўровларнинг Қонунда кўрсатилган муддатларда бажарилиши (19-модда 15 кун, 1 ой) ижро муддатларининг ўзайиб кетишига йўл қўйилмайдиган, чунки архивда ходимларнинг мазкур сўровлар ижросини ўз муддатларида бажарилиши таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ташкиллаштирилган.

Архив маълумотхонасида Шикоят ва тақлифлар қутиси мавжуд бўлиб, унга қўйилган фуқаролар томонидан ижрочи ходимларимизга ташаххурномалар билдирилди. Булардан Тошкент шаҳар Давлат архивида кўп йиллардан бери ўз қўларини аямасдан ишлаб келаятган бош архивчилар Р.Миргястинова, М.Ахмедова, Тошкент шаҳар Идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архивида етакчи архивчи И.Тюрина, С. Қодирова-ларни архивимизнинг фидойилари деб айтса бўлади. Зеро, кунига юздан ортиқ фуқаролардан анкета сўровномаларини қабул қилиб, уларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш учун ходимларимиздан катта куч талаб қилинади.

Агентлик, бошқарма ва барча архив муассасаси раҳбариятининг қабул қилуни, уларнинг мулоқот телефонлари ва электрон почта манзиллари, шу жумладан, электрон ишонч почта манзиллари фуқаролар учун фойдаланишга қўлай тарзда жойлаштирилган.

Фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлари, аризалари ва шикоятларининг бажарилиши учун архивда тегишли шарт-шароитлар тўлиқ яратилган ва бу масалалар раҳбар ҳузурида, ишлаб чиқариш йиғилишларида доимо кўриб борилади.

Феруза ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар идоралараро
шахсий таркиб ҳужжатлари
марказий архиви директори



КИТОБ — МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу фестивалнинг "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги" шиори остида ўтказилиши бежиз эмас.

Мамлакатимиз наشريётлари томонидан ҳар йили 3 минг номдан ортиқ, умумий адади 45 миллион нусхадан зиёд китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда. Эллиқдан ортиқ наشريёт бошларга аталган ноширлик маҳсулотларини тақдим этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелдаги "2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарори доирасида ўтган йилларда ўзбек ва жаҳон адабиёти, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аждодларимизнинг маънавий жасорати ва қадриятларига бағишланган китоб ва плакатлар, энциклопедик нашрлар йўналишидаги энг сара асарлар нашр этилиб, ўқувчиларга етказилди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Янги аср авлоди" наشريёт-матбаа маркази томонидан "Қамолот" кутубхонаси руҳида 2013-2015 йилларда етмишга яқин ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вақилининг асарлари нашр этилди. Ғафур Ғулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи "Ўзбек адабиёти хрестоматияси" руҳида мактаб дарсликларида қиритилган ўзбек ва жаҳон адабларининг 44 номдаги асарларини нашр этишни бошлади.

"Болалар китоби" II республика фестивалида олтиминдан ортиқ наشريёт ва матбаа корхонаси ўз китоб ва босма маҳсулотларини тақдим этмоқда.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА муҳбири

Биз болалар учун мўлжалланган китоб, альбомларни чоп этиш билан шуғулланамиз, — дейди Чўлпон номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи директори ўринбосари Воҳиджон Икромов. — Жорий йилда бир қатор янги адабиётларни ёш китобхонлар эътиборига ҳавола этдик. Фестивалда 150 номдан ортиқ бадиий китоб, маърифий адабиётлар, энциклопедия, лугатларни ёш китобхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Мазкур кўргазма ота-оналар ва ўқувчилар фикрини атрофлича ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб фестивалига дадам билан келдим, — дейди Тошкентдаги 42-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Шохжаҳон Ғафуржонов. — Биз бир неча янги китобларни сотиб олдик ва бундан жуда ҳам хурсандман.

"Энг яхши ёш китобхон", "Китобхон оила", "Менинг биринчи китобчам", "Атроф-олам муҳаббати — саломатлик гарови", "Муъжиза эмасдир фалакда офтоб, муъжиза аслида беминнат китоб", "Китоб — энг яхши совға" мавзуларида интеллектуал мусобақалар, викториналар, ижодий танловлар, ижтимоий сўровномалар ўтказилди.

Шу кун "Ўзбекистон" саройида "Китоб — маънавий сарчашма" деб номланган тадбир ва концерт бўлиб ўтди. Республика ёш томошбинлар ва кўғирчоқ театрларининг спектакллари, болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари байрамга янада фойз бахш этди.

"Болалар китоби" II республика фестивали Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА муҳбири

"Қамолот"

"КАМАЛАК"НИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ

Ҳар йили анаъанавий тарзда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Низомиди белгиланган ёшларнинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юрти билан гурурланиш ва унинг тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшишга бағишланган "Қамалак" болалар ташкилоти сафига аъзоликка қабул қилиш маросими ўтказиб келинади.

"Қамолот" ЁИХ Олмасор туман Кенгаши томонидан тумандаги 196-, 278-, 326-мактабларнинг бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда "Мен "Қамалак" аъзосиман" шиори остидаги "Қамалак" болалар ташкилотига аъзо бўлиш маросими ташкил этилди.

"Биз "Қамалак" болалар ташкилотига аъзо бўлар эканмиз..." деб бошланган тадбирларда умумтаълим мактабларидан 335 нафар 10 ёшга тўлган, 4-синф ўқувчилари "Қамалак" болалар ташкилоти фаолиятини янада такомиллаштириш ва фаол иштирок этишга тантанали равишда қасамёд қилишди.

— 2001 йил 23 май кун "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам суяничи, ҳам таяничи бўлиши "Қамалак" болалар ташкилоти ташкил толган кун, — деди "Қамолот" ЁИХ туман Кенгаши бош маъмури "Қамалак" болалар ташкилоти раиси Феруза Дадоева. — Шу кундан бошлаб минглаб 10 ёшга тўлган болалар ташкилотининг юксалиши ва раёнида таълимий йўлида ўзларининг иштироки, иштирокдорлиги билан боғлиқ ҳолда ҳисса қўшиб келишмоқда. Ўлар халқимиз, мустақил ойна Ватанамиз ва Ўзбекистонимизга содиқ фарғона бўлиш, ҳар бир болани олишга, Ватан ва ота-онага муҳаббат, қатъияр ва тенгдошларини ҳурмат қилиш, ақллиқ, тарбия, тарбия-қирдаларга риоя этишга, Ватан тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшиш йўлида фаолият олиб боришга.

Тадбирда мактабнинг фаол ва иштирокдорли ўқувчилари қатнашиб, янги аъзо бўлган болаларнинг ўзларининг чиқишларини намойиш қилган ҳолда табриқладилар. Қасамёд қабул қилган барча "Қамалак" болалар ташкилотининг янги аъзоларига аъзолик нишони тақдим этилди.

Зарина РУСТАМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2015 йил 25 августдаги 173-сонига чоп этилган "Тошкент шаҳрида йўналиш таъиниш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида"ги эълонда кўрсатилган йўналишлар бўйича очик тендер савдоларида қатнашни истагиди бўлган юридик шахс маҳкамаси эга корхоналар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 сентябрдаги Қарорига мувофиқ, 2015 йил 24 сентябрь кун Кургон ҳайити байрами дам олиш кун деб эълон қилинганлиги муносабати билан, Тошкент шаҳрида йўловчи таъиниш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер савдолари 2015 йил 25 сентябрь кун соат 10:00 да (Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй манзили бўйича) ўтказилади.

Очик тендер савдолари қатнашчиларининг тендер таклифлари 2015 йил 23 сентябрь соат 17:00гача қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

"K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич очиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этиди.

Аукцион савдосига Олмасор туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 16 майдаги 1-1677/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-даҳа, 47-уй манзилида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 58.65 кв.м., яша майдони 28.71 кв.м., бўлган 2 хонадан иборат 50-хонадон қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 84 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2015 йил 26 октябрь кун соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2015 йил 23 октябрь кун соат 18:00.

Қўчмас мўлк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Илак йўли банки" АИТБ Сағбон Ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RA-0001.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали табиий газ учун нархларни 2015 йил 1 октябрдан ўзгариши ҳақида маълум қилади.

ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР (АҲОЛИ):

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 15 сентябрдаги РЕЕСТРИ №19-03-22-05-ЎЗР-92-2015 2015 йил 1 октябрдан жорий этилади УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

- Ушбу преysкуронт тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.
- Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-ликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тадбирда газдан фойдаланганлиги учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
- Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситиш бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
- Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу преysкуронтда белгиланган тариф бўйича тўланади.
- Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
- Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдала ҳажми: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналари, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
- Преysкуронтнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.
- Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.
- Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар миқдорда тўланади.
- Автоном сув иситиш ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, яхка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида таңдир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгҲржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кенча кундуз ишлаган газ ёкиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
- Ушбу преysкуронтнинг "Умумий кўрсатмалар"и, агар қўшимча преysкуронтда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча преysкуронтларга ҳам тегишлидир.
- Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2015 йил 1 майдаги, реестр №19-03-22-05-ЎЗР-32-2015) нархлар ўрнига 2015 йил 1 октябрдан жорий этилади.

1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛЕНИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *

Тр	Номи	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1.	Газ ўлчагич бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 м³	2 089,20
1.2.	Газ ўлчагич йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ:	—	10 м³	3 612,95
	— овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	—	10 м³	1 675,55
	— иситиш учун	—	10 м³	1 675,55

УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА (ШУ ЖУМЛАДАН ИССИКЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИГА) ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ТАБИЙ ГАЗ НАРХИ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 15 сентябрдаги РЕЕСТРИ №19-03-22-05-ЎЗР-91-2015 2015 йил 1 октябрдан жорий қилинади

Ўлчов бирлиги	УлгҲржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
УлгҲржи истеъмолчиларга (шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналари) етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 куб метр 208 920

жумладан иссиқлик таъминоти корхоналари) учун амал қилувчи 2015 йилнинг 1 майдаги №19-03-22-05-ЎЗР-31-2015-сонли реестр ўз кучини йўқотади.

"Тошкентгазтаъминот" УКнинг "Тошкентшаҳаргаз" филиали

Эслатма:

- Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
- УлгҲржи истеъмолчиларга (шу жумладан иссиқлик таъминоти корхоналари) табиий газнинг улгҲржи нархи унинг физик-химийвий кўрсаткичларидан қатъи назар ягона ҳисобланади.
- Мазкур реестр амал қилина бошланғич билан улгҲржи истеъмолчилар (шу

